

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАРИ ТИЗИМИНИНГ 2004-2022 ЙИЛЛАР КЕСИМИДА СУВНИНГ МИНЕРАЛЛАШУВИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛРИ

Алиева Сабрина Хожиакбар қизи
ЖДПУ Биология йўналиши талабаси

Хушвақтова Мадина Улуғбек қизи
ЖДПУ Биология йўналиши талабаси

Илмий раҳбар:

Равшанова Адолат Равшан қизи
ЖДПУ Зоология ва анатомия кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола 2004-2022 йиллар мобайнида кўллар тизимининг Фарбий Арнасой гидрология станциясида сувнинг минераллашув даражаси кузатилиб таҳлил қилинганда, минераллашув даражасининг ортиб бораётганлиги аниқлангани ва бу муаммони бартараф этиш йўллари ва ечимлари келтирилган.

Калит сўзлар: гидро-биологик таҳлил, гидрокимёвий таҳлил, минераллашув даражаси, туз дефляцияси, визуал кузатув, реконструкция, ботиометрик ўлчов, сув-туз баланси модели.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.02.2022 йилдаги ПҚ-141-сонли “АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги қарорининг 2-бандида сув ҳавзалари ҳолатининг гидробиологик ва гидрокимёвий таҳлилини ташкил этиш, Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувдан фойдаланишга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланилишини ташкил қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида келтирилган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сув сатҳини сақлаб қолиш учун Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг (олдинги қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги) 2016 йил 29 февралдаги Вазирлар Маҳкамасига йўллаган 04/32-190-сонли хатига кўра 1994–2000 йилгача “Айдар–Арнасой” кўллар тизимининг сув ҳажми 44,1 млрд метр куб (км.куб) га етган.

“Чордара” сув омборидан 2013, 2014, 2015, 2016, 2020 йиллар ва 2021 йил ўтган давр мобойнида, кўллар тизимига умуман сув ташланмаган.

Арнасой сув омбори орқали кўллар тизимига 2015 йилда 100 млн. метр куб, 2017 йилда 35 млн. метр куб, 2018 йилда 17,9 млн. метр куб ва 2019 йилда 532 млн. метр куб сув ташланган холос.

Хозирги кунга келиб тахминан 37,7 млрд метр куб (км.куб) га тушиб қолган.


Кўллар тизимига сув сатҳининг 245 отеткада ушлаб туриш учун хар йили яна 1,9 млрд метр куб ҳажмда сув зарур.

Сув хўжалиги вазирлигининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари мелиоратив экспедициялари, шунингдек, Жиззах сув омборлари бошқармаси томонидан кўллар тизимига ташланадиган сув миқдори ва уларнинг минераллашуви бўйича мониторинг олиб борилмоқда.

Ўзгидромет томонидан кўллар тизимининг Ғарбий Арнасой гидрология станциясида сувнинг минераллашув даражаси кузатилиб таҳлил қилинганда, минераллашув даражасининг ортиб бораётганлиги аниқланган.

Ишчи гуруҳ томонидан **2022 йил 20 февраль** ҳолатига сувнинг минераллашувини кўллар тизими бўйлаб ўрганиш ташкил қилинди.

Таҳлилларга кўра, давлат экология кўмитаси ҳузуридаги Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан кўллар тизимидаги сувнинг минераллашув даражаси таҳлил қилинди.



Агар сувнинг минераллашуви 2004 йилда **5,65 г/л** бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилда **8,25 г/л**, 2020 йилда **10,53 г/л**, 2021 йилда эса **11,75 г/л**

Кўллар тизимининг сувдан бўшаган майдонларида тупроқ кучли шўрланган бўлганлиги сабабли туз дефляцияси вақтида магний сульфат ва натрий хлорид тузлари суғориладиган ерларга тушиб, уларнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тузлар шамол йўналишига мос равишда Жиззах вилоятининг ғарбий ҳудудларини ифлослантириши мумкин.

Кўллар тизимида сув сатҳинининг янада пасайиб кетиши эса ушбу салбий ҳолатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий мутахассислар билан биргаликда 2022 йилнинг 20 февралда кўллар тизимида ўтказилган визуал кузатувлар кўллар тизими қуриган ҳудудларининг юқори қисмлари, яъни нисбатан кам шўрланган жойлар асосан юлғун буталари билан, сув сатҳи атрофлари эса қамиш билан қопланган, ўта кучли шўрланган (солончак) майдонлар эса очик ҳолатда эканлигини кўрсатди.

Қирғоқ бўйларида туз қатлами ҳосил бўлишининг олдини олиш, экологик хавфни бартараф этиш кўллар тизимида тупроқ иқлим шароитига мос дарахт ва буталардан ихоталар барпо этиш масалалари.

Республикамизнинг Оролбўйи ҳудудида экологик муҳитни яхшилаш мақсадида Орол денгизнинг қуриган қисмида тузнинг кўчишига қарши тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2022 йил баҳорги экиш мавсумида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Айдар-Арнасой кўллари атрофидаги ўрмон фонди ерларининг қум-барханли ҳудудларида саксовул кўчатларидан

200 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Ушбу амалий тажрибалар асосида кўллар тизимида экологик хавфни бартараф этиш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланмоқда:

- кўллар тизимида туташ ҳудудларда жойлашган давлат захирасидаги ер майдонларини ўрмон хўжаликларига белгиланган тартибда ажратиб бериш;

- Оролбўйи ҳудудларини ўрмонлаштириш бўйича тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзонларини барпо этишни 2022 йил охиригача 500 гектарга етказиш, кейинги йилларда эса кескин ошириш чораларини кўриш;

- 10 гектар майдонда кўчатхона ташкил этиш чораларини кўриш, кўчат захирасини яратиш учун 15 тонна чўл ўсимликлари уруғларини жамғариш;

- соҳил бўйи минтақаларида ўрмонзор барпо этиш учун муқобил дарахт ва буталар турлари тўғрисида илмий асосланган таклиф тайёрлаш;

-“Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан ҳимоя ўрмонзонларини барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан маҳаллий бюджетларда назарда тутиш ва белгиланган муддатларда ажратиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 22.02.2022 йилдаги ПҚ-141-сонли “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
2. Равшанова А.Р., Нурмаматова Ф.М., Усмонова Э.М., Хушвақова З.С./ Айдар-Арнасой кўллар тизимининг асосий сув манбалари уларнинг мониторинги/ Educational Research in Universal Sciences / ISSN: 2181-3515 / VOLUME 1/ ISSUE 6 /2022, 367-372 б.
3. Равшанова А.Р., Мамашарипова Х.Т., Абдумажидова З.О. / Айдар-Арнасой кўллар тизимида юз берадиган мавсумий ёгингарчиликнинг биохилма-хилликка таъсири/ “Journal of Natural Science” №5/3 2022 й. 266-268 б.
4. Санаева Л.Ш., Равшанова А.Р./ Айдар-Арнасой кўллар тизимида экологик туризмни ташкил этишнинг ҳудуддаги биологик хилма-хилликни сақлаб қолишдаги аҳамияти/ “Journal of Natural Science” №1/3 2022 й. 141-148 б.
5. Санаева Л.Ш., Мавлонова С.Х., Равшанова А.Р./ Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишда Айдар-Арнасой кўллар тизимида экотуризмни ривожлантиришнинг ўрни/ “Озиқ-овқат хавфсизлиги: Миллий ва глобал омиллар” мавзусида III Ҳалқаро миқёсдаги илмийғамалий конференция. 2021 й 15-16октябр.